

**COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИДАН ХИМОЯЛАНИШДА ШАХСИЙ ХИМОЯ ВА
АНТИСЕПТИК ВОСИТАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ****Хамзаева Н.Т**

Тошкент тиббиёт академияси Эпидемиология кафедраси, Тошкент ш

Матназарова Г.С

Тошкент тиббиёт академияси Эпидемиология кафедраси, Тошкент ш

Тадқиқот ишининг долзарблиги: COVID-19 асосан одамдан одамга ҳаво-томчи, маиший мулоқот йўллари орқали юқади. Йўталганда, аксирганда, гаплашганда вирус билан зарарланган нафас томчилари ҳавода тарқалади ва атрофдаги юзаларга тушади. Одамлар шу ҳаводан нафас олганларида ёки зарарланган томчилар тушган юзалар билан мулоқотда бўлганларида вирусни юқтириб олишлари мумкин. COVID-19 пандемияси пайтида касаллик тарқалишини олдини олишнинг энг самарали чораларидан ниқобдан фойдаланишга катта эътибор қаратилди. Жамоавий ниқоб тақиш соғлом одамларга касаллик юқишидан ҳимоя қилади, касалланган одам билан мулоқот қилган тақдирда, инфекцияни юқтириб олиш хавфи туғилганда вируснинг дозасини камайтиради, бу еса касалликнинг энгил кечишига ёки симптомсиз кечишига олиб келади [1]. Ниқоб тақиш ва қўлни зарарсизлантириш вирус тарқалишини секинлаштириши мумкин, аммо ҳозирда ниқоб билан боғлиқ кўплаб мамлакатларда нотўғри тушунчалар мавжуд [4]. Ўз вақтида қўлни ювиш кўпинча ноқулайлик келтиради [2] ва бунда антисептик воситалардан фойдаланиш тавсия этилади.

Тадқиқот ишининг мақсади: COVID-19 билан касалланишни олдини олишда шахсий химоя ва антисептик воситаларининг аҳамиятини ўрганиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари: Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани Нурли Замин МФЙ ҳудудида ташкил этилган карантин пункти 7 - блокадаги Москва № 604 чартер рейс билан олиб келинган 526 (аёл-137 нафар, эркак-389 нафар) фуқоро. Тадқиқотда COVID-19 профилактикаси ва эпидемияга қарши чора тадбирларига оид адабиёт маълумотлари, расмий кўрсатма ва услубий материаллари, ўчоқларни эпидемиологик текширув усуллари, эпидемиологик таҳлил усулларидан: тасвирий баҳолаш тадқиқот усули (кузатиш услуги, статистика услуги)дан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг натижалари: 23 март 2020 йил Вазирлар маҳкамасининг 176 - сонли Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани Нурли Замин МФЙ ҳудудида ташкил этилган карантин пункти 7 - блокадаги Москва № 604 чартер рейс 187 самолёт билан олиб келинган 526 (аёл-137 нафар эркак-389 нафар) нафар фуқаро 2020 йилнинг 3-апрел санасида карантинга олинди. 7-блокда контейнерлар 5 қатор қилиб жойлаштирилган бўлиб, (А, Б, Д, С, Е) ҳар бир қаторда 15 тадан контейнер жойлаштирилган ва ҳар бир контейнер номерланган м: 7-А-14 в.х . Ҳар бир контейнер 4 кишига мўлжалланган. Олиб келинган фуқаролар асосан оилавий яъни ўз яқинлари билан жойлаштирилди. 14 кунлик кузатувлар натижасида Тошкент вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги маркази вирусология лабораториясида олинган таҳлил натижасида жами 34 та фуқарода Covid-19 инфекцияси мусбат натижа олинди ва улар билан бир хонада яшаган 42 нафар фуқароларга

тушунтириш ишлари олиб борилди ва бир марталик қўлқоп, никоб ва антисептик воситалар билан узлуксиз таъминланди. Олиб борилган тиббий кузатувлар натижасида бир контейнерда 12 кун бирга яшаган, лекин шахсий химоя воситаларидан тўғри фойдаланган ва ўзаро масофа сақлаган 24 нафар фуқаро Covid-19 инфекциясини юктириб олмаган. Бу 24 нафар фуқароларнинг 18 нафари эркак 6 нафари аёл (22 -60 ёш). Кузатувлар натижасида аниқландики Covid-19 беморлар билан бир хонада истиқомат қилган болалар ва эр - хотинлар ўртасида касалликни юктириб олиш ҳолати юқорилиги аниқланди, бунинг асосий сабаби сифатида келтириш мумкинки болаларнинг шахсий химоя воситаларидан ўз вақтида ва тўғри фойдалана олмаслигидир. Касалланганлар орасида эр хотинлар 8 нафарни ташкил қилган, сабаби эр хотинлар ўзаро яқин муносабатда бўлганликлари учун касалланган эр ёки хотиннинг иккинчиси аниқ касалланди.

Хулоса: Олинган натижаларга кўра кузатувга олинган одамлар орасида аниқланган 34 нафар беморларнинг хонадошлари 42 нафар бўлиб, шулардан 18 нафарига касаллик юқган 24 нафарига юқмаган. Касалликнинг юқишига сабаб бемор билан яқин муносабатда бўлган ва шахсий химоя воситаларидан ўз вақтида тўғри фойдаланмаган. Шахсий химоя воситалари ва антисептик воситалардан тўғри фойдаланган ва ўзаро масофани сақлаган фуқаролар эса касаллик юқтирмаган. Тиббиёт ходимлари, COVID-19 беморини уйда парвариш қиладиганлар ва бемор билан мулоқотда бўладиганлар учун шахсий химоя воситаларидан тўғри фойдаланиш касаллик юктириб олиш хавфини камайтиради. N-95 ва тиббий никоблар 97% вирусни олдини олиши аниқланган [3]. Таркибида 1,0% совун кукуни, 0,05% фаол хлор бўлган сувли эритма қўл ва юза соҳадаги вируслардан 99,98% холи қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Mirtazayev, O. M., Briko, N. I., Matnazarova, G. S., Saidkasimova, N. S., Toshboev, B. Y., & Khamzaeva, N. T. (2020). SCIENTIFIC, METHODOLOGICAL AND ORGANIZATIONAL BASES OF MANAGEMENT OF THE EPIDEMIC PROCESS IN CASE OF SALMONELLOUS INFECTION IN UZBEKISTAN. *Central Asian Journal of Pediatrics*, 2020(3), 5-14.
2. Urakovna, N. N., Sultanovna, M. G., Yunusovich, M. A., Fakhridinova, A. M., Toshtemirovna, X. N., & Vlademirovna, B. E. (2023). EPIDEMIOLOGICAL ANALYSIS OF THE HUMAN IMMUNODEFICIENCY VIRUS. *World Bulletin of Public Health*, 21, 95-98.
3. Toshtemirovna, K. N., Islamovna, S. G., & Sultanovna, M. G. (2023). THE EFFECTIVENESS OF A NEW FOOD SUBSTANCE-A HARD GELATIN CAPSULE-"SEDAN BARK" IS BEING STUDIED IN CHILDREN WHO HAVE RECOVERED FROM THE CORONAVIRUS. *British View*, 8(3).
4. Khamzaeva, N. T., & Saidkasimova, N. S. (2023). THE EFFECTIVENESS OF A NEW FOOD SUBSTANCE-A HARD GELATIN CAPSULE-"VIZION JUNIOR" IS BEING STUDIED IN CHILDREN WHO HAVE RECOVERED FROM THE CORONAVIRUS. *World Bulletin of Public Health*, 20, 41-45.
5. KJ, K. A. O. G. K., & Khamzaeva, N. T. (2023). IDENTIFICATION OF THE PREVALENCE OF BREAST CANCER AMONG DIFFERENT AGE GROUPS OF THE POPULATION AND ITS PREVENTION. *Open Access Repository*, 4(3), 341-344.

6. Xamzaeva, N. T., Matnazarova, G. S., Olimjonova, G. O., Xusainova, X. J., & Mamadalieva, E. S. (2023, February). COVID-19 infeksiyasi bilan kasallangan bolalarning epidemiologik taxlili. In *E Global Congress* (Vol. 2, pp. 117-119).
7. Toshtemirovna, K. N., Islamovna, S. G., & Sultanovna, M. G. (2023). THE EFFECTIVENESS OF A NEW FOOD SUBSTANCE-A HARD GELATIN CAPSULE-" SEDAN BARK" IS BEING STUDIED IN CHILDREN WHO HAVE RECOVERED FROM THE CORONAVIRUS. *British View*, 8(3).
8. Kurbonov, A. K., Olimjonova, G. O., Khusainova, K. J., & Khamzaeva, N. T. (2023). IDENTIFICATION OF THE PREVALENCE OF BREAST CANCER AMONG DIFFERENT AGE GROUPS OF THE POPULATION AND ITS.
9. Матназарова, Г. С., Азизова, Ф. Л., Брянцева, Е. В., & Хамзаева, Н. Т. (2022). Вакцинопрофилактика Covid-19 в Узбекистане.
10. Saidkasimova, N. S., & Mirtazaev, O. M. (2020). Epidemic Process of Salmonellosis in Tashkent. *Indian Journal of Forensic Medicine & Toxicology*, 14(4), 7364-7367.